

Бақара сураси, 224-оят

09:05 / 03.03.2018 4393

Ичган қасамларингиз сабабли яхшилик қилиш, тақво қилиш ва одамлар орасини ислоҳ этишингизга Аллоҳни тўсиқ қилманг. Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир. Бақара 224.

Ушбу оятнинг тафсирида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва бошқа азизлар:

«Қасамингни яхшилик қилишингга тўсиқ қилма, қасамингнинг каффоротини бергин-да, яхшилик қилавер», - деганлар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким қасам ичса ва қасам ичган нарсасидан яхшироқ ишни кўрса, қасамига каффорот бериб, яхши ишни қилаверсин», - деганлар.

Баъзилар «Фалон ишни қилмайман», - деб қасам ичиб қўяди. Кейин «Бу савобли ишни нимага қилмаяпсан?» - дейилса, «Қасам ичганман», - деб баҳона қилади. Бу оятда мана шу масалага ойдинлик киритиляпти.

Аслини олганда, қасам ичиш яхши иш эмас. Жиддий, ўзини билган одам керак ишни қасам ичмай ҳам қилаверади. Мабодо қасам ичиш лозим бўлиб қолса ҳам, бу қасам яхшилик амалга ошиши учун бўлиши керак. Аммо Аллоҳ таоло номи ила қасам ичишни яхшилик, тақво ва одамлар орасини ислоҳ қилишдек эзгуликларга тўсиқ этиб олиш мутлақо дуруст эмас. Муслмонларнинг Исломга тўлиқ киришлари жараёнида жоҳилиятдан мерос бўлиб қолган шунга ўхшаш ишларни тўғри йўлга солишга ҳам эътибор берилади.